

«Тасдиқлайман»
“Олмалиқ КМК” АЖ Бош
Муҳандиси – Бошқарув
раисининг биринчи ўринбосари



Abdulkadimov
Абдукадиров А.А.

« 18 » 02 2022 й.

Сурхондарё вилояти Сарийосиё туманида жойлашган
“Олмалиқ КМК” АЖ ташкилотлари ишчи-ходимларига тиббий
пунктларда тиббий хизмат кўрсатиш ва қатнов (смена) олди
тиббий кўрикларини ўтказиш бўйича 2022 йил учун
ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

1. 2022 йилда Сурхондарё вилояти Сарийосиё туманида жойлашган “Олмалиқ КМК” АЖ ташкилотлари ишчи-ходимларига тиббий пунктларда тиббий хизмат кўрсатиш ва қатнов (смена) олди тиббий кўрикларини ташкил этиш:

1.1. «Олмалиқ КМК» АЖ ташкилотлари ва ишчи-ходимлари сони ҳақида маълумот:

Сурхондарё вилояти Сарийосиё туманида жойлашган «Олмалиқ КМК» АЖ ташкилотларида ишчи-ходимлар сони 1270 киши, улардан 207 киши ташкилот тиббий пунктларида қатнов (смена) олди тиббий кўрикларидан ўтади.

1.2. Тиббий пунктларда “Олмалиқ КМК” АЖ ташкилотлари ишчи-ходимларига тиббий хизмат кўрсатиш ва қатнов (смена) олди тиббий кўрикларини ташкил этиш бўйича: Сурхондарё вилояти Сарийосиё туманида тиббий пунктлар сони 4 тана ташкил қилади, шу жумладан: уларнинг 2 таси сутка давомида фаолият олиб боровчи тиббий таянч пунктлари, 1 таси кундузи ишловчи тиббий пунктлар, 1 таси қатнов (смена) олди тиббий кўрикларни ўтказувчи тиббий пунктлардир.

Сутка давомида фаолият олиб боровчи тиббий таянч пунктлари сони – 2 та. («Хонжиза» кон бошқармаси «Хонжиза» шахтаси, «Хонжиза» кон бошқармаси Бойитиш фабрикаси).

Кундузи фаолият олиб боровчи тиббий пунктлар сони – 1 та. («Хонжиза» кон бошқармаси базаси).

“Олмалиқ КМК” АЖ ташкилотлари ишчи-ходимларига қатнов (смена) олди тиббий кўрикларини ўтказувчи тиббий пунктлари сони - 1 та. (АТБ 5-автобазаси – Автомобиль транспорт бошқармасининг 5-автобазаси).

Тиббий пункт ва қатнов (смена) олди тиббий кўрикларини ўтказувчи тиббий пунктларида тиббий хизмат кўрсатиш ва қатнов олди тиббий кўрикларини ўтказишдан асосий мақсад қуйидагилардир:

- “Олмалиқ КМК” АЖ ишчи-ходимларига малакали терапевтик ва шифокоргача бўлган биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш (жумладан, саноатдаги ўткир захарланиш ва шикастланишларида ҳам);
- саноатдаги бахтеиз ходисалар ва меҳнатга лаёқатсизлик, ногиронлик ҳолатларини камайтириш ҳисобига касалланишлар даражасини пасайтириш, бундан ташқари, касб касалликларини олдини олиш ва улардан огоҳ бўлиш.

Ишчи-ходимларга тиббий хизмат кўрсатиш ва қатнов (смена) олди тиббий кўрикларини ўтказиш “Олмалиқ КМК” АЖ ташкилотларидаги тиббий таянч пунктларида ёки тиббий пунктларида олиб борилади.

2. Лойиҳани амалга ошириш учун “Бажарувчи” ни жалб қилишга асос бўлган меъёрий ҳужжатлар:

- Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси, 221-банд;
- “Фуқароларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 17, 30 бандлар;
- “Меҳнатни муҳофаза қилишни ташкил этиш бўйича намунавий Низом”, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 14.08.1996 йил 273-сон билан рўйхатдан ўтказилган;
- “Штатные нормативы работников учреждений здравоохранения республики Узбекистан”, 10.11.1997, №06-1/650V (“Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш муассасалари ходимлари штат меъёрлари”, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги томонидан 10.11.1997 йил, №06-1/650V - сон билан тасдиқланган), **ҳужжат рус тилида нашр қилинган;**
- «Временные штатные нормативы медицинского, фармацевтического и прочего персонала районного (городского) медицинского объединения», от 16.05.2016г., №06-3/496, (“Туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларининг тиббий, фармация ва бошқа ходимларининг вақтинчалик штат меъёрлари”, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги томонидан 16.05.2016 йил, №06-3/496 - сон билан тасдиқланган), **ҳужжат рус тилида нашр қилинган;**
- «Йўналишга чиқиш олдида автотранспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказиш ҳамда йўловчилар, багаж ва юклар ташувларини амалга оширадиган ҳайдовчиларни тиббий кўриқдан ўтказишни ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ», Тошкент ш., 2014 йил 17 январь, 22-сон,

(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил 19 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2560);

- «Правила по организации и проведению предрейсовых медицинских осмотров работников локомотивных бригад», 4 июля 2005 г., № 1/6-7-12 (утвержден постановлением Министерства здравоохранения и Государственной инспекции по надзору за безопасностью железнодорожных перевозок «Узгосжелдорнадзор» от 4 июля 2005 года №№ 3, 1/6-7-12), (“Локомотив бригада ишчиларини катнов олди тиббий кўрикларидан ўтказиш ва ташкил қилиш қоидалари”), *ҳужжат рус тилида нашр қилинган.*

3. “Буюртмачи” талабларидан келиб чиққан ҳолда, “бажарувчи” дан талаб қилинадиган хизматлар ҳажми ва бажариладиган ишлар рўйхати:

3.1. Ташкилотлардаги тиббий таянч пунктлари ва тиббий пунктларида тиббий хизмат кўрсатиш бўйича:

- шикастланишлар, захарланишлар ва ўткир касалликларда шифокоргача бўлган биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш;
- шикастланган ишчи-ходимлар ва беморларни даволаш – профилактика муассасаларга етказишни ташкил қилиш;
- беморларни даволаш-профилактика муассасаларга даволаш ва маслаҳат учун йўлланма бериш;
- шифокор тавсиясига мувофиқ равишда даволаш ва реабилитация тадбирларини олиб бориш;
- ташкилот маъмурияти билан ҳамкорликда, санитар-эпидемиологик ва ободонлаштириш марказлари билан келишилган ҳолда профилактик ва соғломлаштириш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- тасдиқланган намунадаги тиббий ҳужжатларни белгиланган тартибда юргизиш ва рўйхатдан ўтказиш.

№	Ташкилотлар номланиши	Тиббий ходимлар ставкаси
1	«Хонжиза» кон бошқармаси «Хонжиза» шахтаси	Цех шифокори – 1 ставка
		Тиббий таянч пункти мудираси – 1 ставка
		Навбатчи ҳамширалар – 5 ставка
2	«Хонжиза» кон бошқармаси Бойитиш фабрикаси	Тиббий таянч пункти мудираси – 1 ставка
		Навбатчи ҳамширалар – 5 ставка
3	«Хонжиза» кон бошқармаси базаси	Навбатчи ҳамшира – 1.0 ставка

3.2. “Олмалик КМК” АЖ ташкилотларидаги катнов (смена) олди тиббий кўрикларини ўтказувчи тиббий пунктларда тиббий хизмат кўрсатиш бўйича:

- локомотив бригадалари ва транспорт воситалари ҳайдовчиларининг касаллик белгиларини, алкоголь ичимликлар, наркотик моддалар ёки бошқа психотроп моддаларни қабул қилганлик белгилари (мастлик ҳолатлари) бўлган шахсларни аниқлаш мақсадида ишчиларни тиббий кўриқдан ўтказиш, бундан ташқари, организмнинг ўта чарчап ва касбий фаолиятининг бузилишига сабаб бўладиган рухий ҳолатининг ўзгаришларини аниқлаш;
- локомотив бригадалари ва транспорт воситалари ҳайдовчиларининг даволовчи шифокор ва шифокорлик меҳнат комиссияси мутахассислари тайинлаган тавсияларини бажаришини назорат қилиш;
- катновга руҳсат этиш бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш;
- локомотив бригадалари ва транспорт воситалари ҳайдовчиларининг тиббий кўриқдан бош тортган ҳолатлари, касаллик, шикастланиш, алкоголь қабул қилганлик белгилари (мастлик белгилари) ва бошқа рухий бузилиш ҳолатлари аниқланганда, тиббий хулосалар натижасига асосланган ҳолда, ўз вақтида локомотив депо ёки автомобиль транспорти раҳбариятига хабар бериш;
- тасдиқланган намунадаги тиббий ҳужжатларни белгиланган тартибда расмийлаштириш.

№	Ташкилотлар номланиши	Тиббий ходимлар
1	АТБ 5-автобазаси (Автомобиль транспорт бошқармаси 5-автобазаси)	Навбатчи ҳамширалар - 1.5 ставка

Уст

4. Аниқ маъзил кўрсатилган ҳолда тиббий хизматлар ва бажариладиган ишлар амалга ошириладиган жой:

4.1 Тиббий хизмат “Олмалиқ КМК” АЖ ташкилотлари ҳудудидаги тиббий таянч пунктлари ва тиббий пунктларида олиб борилади:

4.1.1. Сурхондарё вилояти Сариосиё туманида ҳудудида жойлашган, сутка давомида фаолият олиб боровчи тиббий таянч пунктлари: «Хонжиза» кон бошқармаси «Хонжиза» шахтаси (6 ставка тиббий ҳамшира), «Хонжиза» кон бошқармаси Бойитиш фабрикаси (6 ставка тиббий ҳамшира) тиббий таянч пунктлари;

4.1.2. Сурхондарё вилояти Сариосиё туманида жойлашган, кундузи фаолият олиб боровчи тиббий пункт: «Хонжиза» кон бошқармаси базаси (1 ставка тиббий ҳамшира) тиббий пункти;

4.1.3. Сурхондарё вилояти Сариосиё туманида жойлашган, қатнов (смена) олди тиббий кўрикларини олиб боровчи тиббий пункт: АТБ 5-автобазаси – Автомобиль транспорт бошқармаси 5 - автобазаси (1.5 ставка тиббий ҳамшира) тиббий пункти.

5. Тиббий хизмат кўрсатиш ва бажариладиган ишларни амалга ошириш шартлари:

«Буюртмачи» нинг мажбуриятлари:

- локомотив бригадалари ва транспорт воситалари ҳайдовчиларини тиббий кўриқдан ўтказиш учун санитар меъёрлари талабларига мос келувчи биноларни ажратиш;

- ташкилотлардаги тиббий таянч пункти ва тиббий пунктларини каттик ва юмшоқ инвентарлар билан жиҳозлаш;

- ташкилотлардаги тиббий таянч пункти ва тиббий пунктларини тиббий инвентарлар, ускуналар, тиббий лори воситалари, боғлов материаллари ва ювувчи воситалар билан таъминлаш.

«Буюртмачи» “Бажарувчи”нинг иш графигидан келиб чиққан ҳолда сутканинг исталаган вақтида кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини текшириш ва назорат қилиш ҳуқуқига эга;

Бу ерда албатта, “Буюртмачи” нинг кўрсатмалари “Бажарувчи” учун мажбурийдир.

«Бажарувчи» нинг мажбуриятлари:

-“Буюртмачи” ташкилотларидаги тиббий таянч пункти ва тиббий пунктларида тасдиқланган иш графигига қараб тиббий хизматни ташкил қилиш (1-илова);

-тасдиқланган ва ташкилот маъмурияти билан келишилган иш графигидан келиб чиқиб, ҳар куни қатнов (смена) олди тиббий кўриқлар учун тиббий ходимларни ажратиш (1-илова);

-ҳисобот ойида кўрсатилган хизмат учун ҳисобварақ-фактураларни ва бажарилган ишлар бўйича далолатномаларни кейинги ойнинг 5-кунига қадар “Буюртмачи”га тақдим қилиш;

-“Олмалиқ КМК” АЖ ишчи-ходимлари орасида санитар-оқартув ишларини олиб бориш;

-тиббий хизмат кўрсатиш даврида, яъни тиббий ходимларнинг иш вақтида уларнинг овқатланишини ташкил қилиш ва бошқа моддий эҳтиёжлар (канцелярия маҳсулотлари ва бошқалар) билан таъминлаш.

6. “Буюртмачи” томонидан тайёрланган ва тасдиқланган Техник тошшириқдаги кўрсатиладиган тиббий хизматнинг мураккаблигидан келиб чиққан ҳолда, “Бажарувчи”га қўйиладиган талаблар:

- техник таклифнинг (шартнома шартларининг) техник тошшириқ талабларига мослиги;

- даволаш - профилактик муассасасининг Сурхондарё вилояти ҳудудида пуллик хизмат кўрсатиш ҳуқуқини берувчи махсус руҳсатномаси ёки ССВ томонидан берилган лицензияси борлиги;

-техник тошшириқни бажариш учун таклиф қилаётган товар (иш, хизмат) техник параметрларининг мавжудлиги: ташкилот ишчи-ходимларига кўрсатилаётган тиббий хизматларни касбий қайта тайёргарликдан ўтган, ўз мутахассислиги бўйича малакасини оширган тиббий ходимлар томонидан амалга оширилиши;

-даволаш – профилактика муассасасининг фаолиятини ташкил этиш ва молиялаштириш тартибини белгилувчи Низомининг мавжудлиги (тиббий фаолияти ва кўрсатиладиган тиббий хизматларнинг техник топшириқ талабларига мос келишини аниқлаш мақсадида);

-бажарилаётган ишларни амалга ошириш давомида, тиббий хизматларининг сифатли олиб борилишининг «**Бажарувчи**» томонидан кафолатланиши;

- ташкилот ишчи –ходимларига кўрсатилаётган тиббий хизматлар малакали тиббий ходимлар томонидан тасдиқланган график бўйича ўз вақтида бажарилиши;

- тиббий ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ҳисоблари Ўзбекистон Республикаси «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида» 2005 йил 21 декабрдаги 276-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 12-сон, 64-модда) 1-илова матни иловага мувофиқ тузилиши лозим.

7. Кўрсатилаётган тиббий хизмат ва бажарилаётган ишлар муддати:

- кўрсатилаётган тиббий хизмат ва бажарилаётган ишлар муддати шартнома кучга кирган вақтдан 31.12.2022 йилгача қилиб белгиланади;

- тиббий таянч пункти ва катнов (смена) олди тиббий кўрикларини олиб борувчи тиббий пунктлар иш графиги “Буюртмачи” ва “Бажарувчи” томонидан келишилган ҳолда тасдиқланади (1- илова).

8. Кўрсатилаётган тиббий хизмат, бажарилаётган ишлар ва уларнинг натижалари учун хавфсизлик талаблари:

- “**Бажарувчи**” ишларни бажариш ва тиббий хизматларни кўрсатиш ва уларнинг натижалари учун хавфсизлик талабларини таъминлаш мажбуриятини олади.

9. Кўрсатилаётган тиббий хизмат, бажарилаётган ишлар ва уларнинг натижаларини қабул қилиш ва топшириш тартиби:

“Олмалик КМК” АЖ ташкилотларидаги тиббий таянч пунктларида (тиббий пунктларда) тиббий хизмат қилиш ва катнов (смена) олди тиббий кўрикларини ўтказиш бўйича:

- якуний ҳисоб-китоб ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10-кунига қадар ҳисобварақ-фактура асосида ва белгиланган тартибда тузилган тиббий ходимлар ойлик иш жадваллари бўйича амалга оширилади;

- цех шифокорлари, тиббий таянч пункти ва тиббий пункт мудиралари бажарилган ишлар бўйича “**Буюртмачи**” га ҳар ойда ҳисобот тақдим қилишади.

-катнов (смена) олди тиббий кўрикларини олиб борувчи тиббий пунктлари хамширалари ташкилотлар ишчи-ходимларини катнов (смена) олди тиббий кўрикларидан ўтишларини ва катновдан (сменадан) четлатишларни қайд қилиш журналларини белгиланган тартибда тўлдиришади.

10. Бажарилган ишлар ёки кўрсатилган тиббий хизматлар тугаллангандан ва етказиб берилгандан кейин белгиланган тартибдаги ҳужжатларни “Буюртмачи”га топшириш талаби:

«Бажарувчи» томонидан кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишлар ҳар ойда бажарилган ишлар ҳисоботи, далолатномаси ва ҳисобварақ-фактуралари билан расмийлаштирилади.

11. Бажарилган ишлар ва кўрсатилган тиббий хизматлар натижасига кўра, “Буюртмачи” мутахассислари томонидан “Бажарувчи” маъсул ходимларини техник ўқитиш бўйича талаблар:

Талаб қилинмайди.

12. Бажарилган ишлар ва тиббий хизматлар ҳажми бажарилишининг кафолатланишига бўлган талаблар:

«Бажарувчи» тасдиқланган иш графигига мувофиқ тиббий хизматлар (шифокоргача бўлган биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ва катнов (смена) олди тиббий кўрикларини олиб бориш) ҳажмини кафолатлаши шарт.

13. Бажарилган ишлар ва тиббий хизматлар учун кафолатлари муддатини кўрсатиш талаби:
Талаб қилинмайди.

14. «Бажарувчи» нинг тиббий хизматларни кўрсатиш бўйича мажбуриятларини бажариши муносабати билан юзага келган интеллектуал мулк объектларига бўлган мутлак ҳуқуқларини «Буюртмачи» га ўтказиш шартларини белгилайдиган муаллифлик ҳуқуқи:
Талаб қилинмайди.

15. «Буюртмачининг ихтиёрига кўра бажариладиган ишлар, тиббий хизматлар ва уларни кўрсатиш шартларига қўйиладиган бошқа талаблар:
Талаб қилинмайди.

16. Томонларнинг жавобгарлиги:

Томонлар ўртасида тузилган шартнома шартларини бажармаганлик ёки тўлиқ даражада бажармаганлик учун Томонлар «Тадбиркорлик субъектларининг шартномавий-ҳуқуқий асослари тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик қонунчилига мувофиқ жавобгар бўладилар.

17. «Олмалиқ КМК» АЖ ташкилотларидаги тиббий таянч пунктларида (тиббий пунктларида) ишчи-ҳодимларга тиббий хизмат кўрсатиш, дастлабки ва даврий тиббий кўрикларини ўтказиш бўйича шартнома тузиш учун «Бажарувчи» ларни танлаш асослари:

«Олмалиқ КМК» АЖ, умумий ва касб касалликларининг олдини олишга қаратилган соғломлаштириш чора тадбирларини ишлаб чиқиш мақсадида, ташкилот тиббий таянч пунктларида (тиббий пунктларида) тиббий хизмат кўрсатиш ва ишчиларга катнов (смена) олди тиббий кўриклари масаласида ҳудудий даволаш профилактик муассасалари билан тегишли шартномалар тузади.

Бу хизматларни мустақил амалга ошириш учун «Олмалиқ КМК» АЖ етарли даражадаги имкониятларга эга эмас. Чунки, комбинатнинг ишчи-ҳодимларини тиббий кўриқдан ўтказиш ва даволаш профилактика ишларини олиб боровчи лицензияга (рухсатномага) эга тиббий санитар қисми (саноат корхоналарига тиббий хизмат кўрсатувчи даволаш профилактик муассасаси) мавжуд эмас.

Ишлаб чиқилди:

ММ ва СХ бўлими ММ муҳандиси-санитар шифокори

Келишилди:

Бош муҳандис ММ ва СХ бўйича ўринбосари в.б

Тиббий хизмат бошлиғи

Кенжаев С. М.

Абдуллаев И.И.

Тухтабоев А.Э.

**“Олмалиқ КМК” АЖ ташкилотларидаги Сурхондарё вилояти Сарийосиё тумани тиббиёт
бирлашмаси тиббий таянч/тиббий пунктларининг иш графиги**

№	Ташкилотлардаги тиббий пунктлар номланиши	Тиббий ходимлар	Иш тартиби, соат	
1	“Хонжиза” КБ “Хонжиза” шахтаси (“Хонжиза” кон бошқармаси “Хонжиза” шахтаси)	Тиббий таянч пункти мудираси – 1 ст.	08.00-14.00 с Хар куни, дам олиш куни - якшанба	
		Навбатчи хамширалар - 5 ст.	Сутка давомида	
2	“Хонжиза” КБ Бойитиш фабрикаси (“Хонжиза” кон бошқармаси Бойитиш фабрикаси)	Тиббий таянч пункти мудираси – 1 ст.	08.00-14.00 с Хар куни, дам олиш куни - якшанба	
		Навбатчи хамширалар - 5 ст.	Сутка давомида	
3	“Хонжиза КБ базаси (Хонжиза кон бошқармаси базаси)	Навбатчи хамшира – 1 ст.	08.00-14.00 с Хар куни, дам олиш куни - якшанба	
4	АТБ 5- автобазаси (Автомобил транспорт бошқармаси 5 - автобазаси)	Навбатчи хамшира – 1.5 ст.	1 -смена: 06.00 – 10.00	2 - смена: 18.00 – 21.00
			Хар куни	

Изох: тиббий пунктлар иш графиги ташкилотлар иш графигига мос равишда ўзгариши мумкин.